МАЖБУРИЯТЛАРНИ ҚАНДАЙ БАЖАРЯПСИЗ?

# МАҲСУЛДОРЛИК ОМИЛЛАРИ

## ФЕРМАДА ДАВРА СУҲБАТИ

**Боғот районидаги Нариманов номли колхоз чорвадорлари ўн биринчи беш йилликда чорва маҳсулотлари етиштириш бўйича икки беш йиллик планни бажариш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилган эдилар. Мана, беш йилликнинг дастлабки ярми ўтиб, иккинчи ярми бошланганига икки ойдан ошди. Юксак мажбурият қандай бажариляпти! Беш йилликнинг ўтган даври якунлари, сигирлар маҳсулдорлигини ошириш омиллари, сутни кўпайтириш резервларидан қандай фойдаланилди. Шу ҳақда мухбиримиз Ф. ЗОҲИДОВнинг сут-товар фермасида ўтказган давра суҳбатини эътиборингизга ҳавола этамиз.**

### Беш йиллик план тайёр

**Қуронбой ҚАЛАНДАРОВ, сут-товар фермаси мудири.**

Мамлакат Озиқ-овқат программасини бажаришга муносиб ҳисса қўшиш учун астойдил курашаётган колхозимиз чорвадорлари ўн биринчи беш йилликда чорва маҳсулотлари етиштириш бўйича икки беш йилликни адо этишга қарор қилганлар. Шу факт қувончлики, чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ва давлатга сотиш бўйича беш йиллик план муддатидан илгари бажарилди. Беш йиллик планда кўзда тутилган 473 тонна ўрнига 483 тонна бўрдоқи гўшти, 3990 тонна ўрнига қарийб 4000 тонна сут топширилди. Тухум тайёрлаш беш йиллик плани ҳам ортиғи билан уддаланди.

Колхозимизда сут етиштиришни кўпайтиришда қувонарли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Беш йилликнинг ўтган даврида сигирлар сони 500 бошдан 650 бошга етказилиб, зоти яхшиланди. Ҳозир соғин сигирларнинг ҳаммаси зотдор, серсут. Фермада ўз касбини севган, жонкуяр, ташаббускор кишилар, малакали кадрлар ишлаётганлиги чорвачиликни интенсив ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қиляпти.

Беш йилликнинг ўзак йилида сигирларнинг маҳсулдорлигини оширишда юқори кўрсаткичлар қўлга киритиляпти. Ўтган ойлар мобайнида 1750 тоннага яқин сут етиштирилиб, бунинг 1200 тоннаси давлатга сотилди. Ҳар бош сигирдан 2700 килограммдан зиёд сут соғиб олинди. Йил охиригача бу кўрсаткични 4100 килограммга етказишни мўлжаллаяпмиз. Бу — реал марра. Масалан, ўтган йили ҳар бир сигирдан 4003 килограммдан сут олинган эди. Демак, ҳар бош сигирдан ўтган йилга нисбатан 97 килограмм кўп сут олсак, марра эгалланади. Фермада ажойиб сут соғувчиларимиз бор. Уларнинг тажрибаларини оммалаштириш, сутни кўпайтиришда муҳим резервдир.

### Натижа чегара эмас

**Розия МАТЁҚУБОВА, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган чорвадор.**

Менимча, сутни кўпайтириш учун энг аввало, касбга меҳр, бурчга садоқат керак. Ахир, бизнинг касбимиз шарафли касб-ку. Фаровонлик яратишга, эл дастурхонини тўкин қилишга ҳисса қўшишдан ҳам фахрли иш борми?

Сигирнинг сути ўз-ўзидан кўпаймайди. Озуқа берсанг — сут оласан. Сут — меҳр маҳсули. Бунинг маъноси шуки, сигирни меҳр ва ихлос билан боқиш, тўқ ва соғлом асраш керак. Боқимимда юз бош сигир бор. Моллар вақтида ўт-ем еб, сув ичмаса, молхона қуруқ ва тоза сақланмаса, сутда барака бўлмайди. Рационга риоя қилиш, фан ютуқларини амалда қўлланишда ҳикмат кўп. Мен буни ўз тажрибамда кўриб келаётирман.

Шахсий беш йиллик планимни бажариб, ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига ишлай бошлаганимга ярим йил бўлди. Ўтган 8 ойда ҳар сигирдан соғиб олинган сут 3500 килограммга яқинлашди. Йиллик кўрсаткични 5500 килограммдан ошираман. Кузда сигирларнинг сути янада кўпаяди, чунки тўйимли, витаминга бой ўтлар сероб бўлади. Ҳамкасбларим Моҳира Худойшукурова ва Сўна Собировалар ҳам ўтган 8 ойда ҳар бош сигирдан 3400 килограммга етказиб сут соғиб олишди. Улар ҳам ҳозир ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилишяпти.

Эришилган натижа чегара эмас. Биз сигирларнинг маҳсулдорлигини тобора ошириб, мўл-кўлчиликка ҳиссамизни қўшавераимиз.

### Ферманинг келажаги

**Амин ҚУРБОНОВ, бузоқбоқар.**

Ферманинг келажаги деганда кўз ўнгимизга ўрта мактабни ёки махсус ўқув юртларини битирган ва фермага ишга келган йигит-қизлар келиши табиий ҳол. Уларга мураббийлик қилиш, касбга меҳр уйғотиш, қийинчиликларни енгишда ёрдамлашиш устоз чорвадорларнинг бурчидир. Токи улар фермада муқим ишлаб қолишсин, чорвадорлик касбини меҳнат билан улуғлашга ўрганишсин.

Бизда ёш чорвадорлар тўғрисида ғамхўрлик яхши йўлга қўйилган, муносиб ўринбосарлар ўсиб етишмоқда. Машҳур сут соғувчи Розия Матёқубова каби мураббийлар ва уларнинг шогирдлари ҳақида илиқ сўзларни айтиш мумкин.

Мен ферманинг келажаги билан боғлиқ бўлган баъзи ҳаётий муҳим ишлар ҳақида гапирмоқчиман. Бунда чорвачиликни комплекс механизациялаш, саноат негизида озуқа цехи барпо этиш, молларнинг зотини яхшилаш зарурлигини назарда тутмоқдаман. Бизда бу масалалар ижобий ҳал қилинаётганлиги чорвачиликни юксалтиришда қўл келяпти. Колхозимиз базасида наслчилик хўжалиги барпо қилинган. Биз область хўжаликларига зотли моллар етказиб беряпмиз.

Бузоқбоқар бўлиб ишлай бошлаганимга бир неча йил бўлди. Бизда урғочи молларни сунъий қочириш яхши йўлга қўйилган. Сигирларнинг қисир қолиш ҳолларига бутунлай барҳам берилган. Ҳар юз бош сигирдан 100 тагача бузоқ олиняпти. Натижада подадаги моллар туёғини шу ҳисобга кўпайтиришга эришяпмиз.

Бузоқнинг соғлом бўлиши бўғоз сигирларни ветеринария талаблари асосида боқиш ва асрашга боғлиқ. Туғишига 1,5—2 ой қолганда сигирга калорияли ва ширали озуқа едириш, рационга риоя қилиш лозим. Бизда ҳар сигирга ўрта ҳисобда 15 килограмм силос, 8—10 килограмм сенаж, 2—3 килограмм омихта ем, дуккакли экинлар пояси майдалаб берилади, сигирлар соғломлиги назорат остида бўлади.

Ёш бузоқларни парвариш қилиш Жумабой Тожиев, Қодир Оллоберганов каби тажрибали, жонкуяр чорвадорларга топширилган. Биз бузоқларни соғлом ўстириш ва тўла сақлаб қолишга эришмоқдамиз.

### Интизом ва тартиб

**Бахтиёр ЖАББОРОВ, зоотехник.**

Ҳамма жойда бўлганидек, фермада ҳам ишнинг муваффақиятини мустаҳкам интизом, масъулиятни чуқур ҳис этиш, бурчга онгли муносабатда бўлиш ҳал қилади. Гап фақат ишга ўз вақтида келиб-кетишда эмас. Энг муҳими, ҳар бир ходим ўз бурчини ҳалол, виждонан бажаришида.

Хизмат вазифасига кўра, фермада бўлиб, сигирлар ва бузоқларнинг зоотехника талаблари асосида боқилиши ва асралишини кузатаман. Ҳамма ерда тозалик, орасталик. Санитария-гигиена талаблари, ишлаб чиқариш маданиятига риоя қилинади. Соғиш агрегатлари, озуқа цехидаги механизмлар, сепаратор, тозалаш машина-асбоблари маромида ишлашини таъминлаяпмиз.

Рационлар, чорва молларини парвариш қилиш қоидалари, ҳар хил қўлланма ва плакатлар деворга осиб қўйилган. Муҳими, уларни амалда жорий этиш керак. Биз илғор тажриба ва фан ютуқлари қоғозда қолмаслиги, амалда жорий қилинишини учун фаол кураш олиб бормоқдамиз.

* * *

Сут-товар фермасида бўлганимизда, ҳамманинг куч-ғайрати, фикри-зикри сўз билан иш бирлигини таъминлашга, социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга қаратилганлигини яққол ҳис эттик. Онгли интизом, фидойи меҳнат, мусобақа тўлқини, ижодий ташаббус ферма захматкашларининг кундалик ҳаётига чуқур сингиб, беш йиллик суръатига қанот бағишламоқда.

Қишлов тараддуди қизғин, озуқа жамғариш авжида. Уч минг тонна дағал хашак, шу жумладан, икки минг тонна беда пичани тайёр. 2200 тонна сенаж босилган, 8000 тонна силос бостириш топшириғи анча ошириб уддаланади. Соатига 400 килограмм витамин уни тайёрлайдиган установка бетўхтов ишлаб турибди.

Колхоз чорвадорлари ваъдага вафо қилиб, лафзи ҳалоллигини амалда исбот этишларига шубҳа йўқ.

## Шолипояларда долзарб палла

**● Қўрғондаги Гагарин райони — Ўзбекистон жанубидаги асосий шоли конининг хўжаликлари давлатга шоли топшира бошладилар.** Ихтисослаштирилган учала совхоз — «Правда», «Искра» ва «Шоликор» совхозларидан дон ортилган карвонлар Шеробод ғалла қабул пунктига келди.

«Правда» совхозидан илғор комбайнчилар Шоймардон Жўраев, Примқул Қувонов, Яраш Назруллаев техникадан серунум фойдаланиш намунасини кўрсатмоқдалар. Буларнинг ҳар бири мавсумда 500 тоннадан кўпроқ шоли янчишга сўз беришган. Механизаторлар ҳам ўз мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар: уларнинг ҳар бири ҳозирдаёқ 250-300 тоннадан дон янчиб берди.

**● Ворошилов районидаги «СССР 50 йиллиги» ихтисослаштирилган совхозининг шолипояларида жуда яхши ҳосил етиштирилди.** Хўжалик деҳқонлари гектар бошига 60 центнер — ўтган йилга қараганда тўрт центнер ортиқ шоли янчиб олмоқдалар.

Совхозда Мирзачўлнинг қўриқ ерларида мўл ҳосил етиштиришни ўрганиб олган кўпгина шоличилик миришкорлари ишлайди. Шаип Аблямитов ана шуларнинг биридир. У бошчилик қилаётган бригада бу йил 80 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олди, хўжаликда шоли ўрим-йиғими пухта ташкил этилган. Бу ерда ўрим суръатлари кун сайин кучайиб бормоқда.

# ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР МАСКАНИ

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИ ТААССУРОТЛАРИ**

Кўргазма дейилганда фан-техника тараққиёти, илғор тажрибалар замирида қўлга киритилган, келажакда истиқболи янада порлоқ ютуқлар намойиш этиладиган жойни кўз олдимизга келтирамиз. Бу ютуқлар колхоз-совхоз ишлаб чиқаришига кенг қўламда жорий этилиши билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш янада кўпаяди.

Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси ўтмишдаги ота-боболаримиздан мерос қолган, ҳозирги замон фан-техника ютуқлари ҳамда илғор тажрибалар пировард натижаси билан тўлдирилган дорилфунундир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташаббуси билан ҳар йили кўргазмада ўтказилаётган «Ширинак» мусобақаси республикамиз полизчиларининг катта анжуманига айланмоқда. Анжуманда олимлар, машҳур уруғшунослар, бобо-деҳқонлар, халқ селекционерлари, колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, механизаторлар ва бошқа касб эгалари фаол иштирок этишмоқда. Қовун-тарвузларнинг ўтмишдаги навларини қайта тиклаш, янгиларини яратиш, навларни синовдан ўтказиш, ҳосилдорлик ва ялпи маҳсулотлар миқдорини ошириш, сортини яхшилаш, таннархни арзонлаштириш, рентабелликни кўтариш, айниқса дала ишларини комплекс механизациялаш йўллари ҳақида фикрлашиб олмоқдалар. «Ширинак»дан кўзда тутилган бош мақсад келгусида республикамизда полизчиликни янада ривожлантириш, азотли ўғитларсиз қовун-тарвуз етиштириш ва ниҳоят, СССРнинг Озиқ-овқат программаси муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшишдир. Шунинг учун ҳам барча областлар меҳнаткашларининг кўргазмага бўлган ихлос ва эътиқоди тобора ошмоқда.

Бизнинг Самарқанд областимиз полизчилари ҳам саккиз йилдан буён кўрик-конкурсда фаол қатнашиб келмоқдалар. Мусобақада етти марта биринчи ўринни олдилар. Дипломлар, медаллар билан мукофотландилар. Шуни қувонч билан айтиш кераки, кўргазма шарофати билан областимиз хўжаликларида полизчиларнинг ажойиб отряди етишиб чиқди.

1983 йилги кўрик-конкурсга уруғшунос олимларимиз ва халқ селекциячилари яратган, тобора каттароқ майдонларда етиштирилаётган қовун-тарвузнинг 80 дан зиёд навини олиб келдик ва намойиш этдик. Шуни ҳам айтиб ўтиш кераки, уруғи хорижий эллардан келтирилган қовун-тарвузларни ҳам биринчи марта пойтахт — Тошкент шаҳар аҳолиси ва меҳмонларга кўрсатдик. Кўргазмага келтирилган полиз маҳсулотлари ичида қовунқоқи, айниқса, ҳамманинг эътиборини ўзига тортди. Областимизда қовунқоқи, қовун мураббоси, шинниси тайёрлаш йилдан-йилга кўпайтирилмоқда. Бундай маҳсулотлар Москва, Ленинград, шаҳарлари ишчи-хизматчилари, Сибирь ўрмончилари, ва бошқа жойларга тобора кўпроқ жўнатилмоқда.

Полизчиликни тараққий эттириш, азотли ўғитларсиз қовун-тарвуз маҳсулотлари етиштиришда Пахтачи, Каттақўрғон, Пайариқ, Самарқанд ва Оқдарё районларининг меҳнаткашлари катта муваффақиятларга эришаётганликларини, бошқа районларнинг полизчилари ҳам умумиттифоқ фондига маҳсулотлар жўнатишни кўпайтиришга катта ҳисса қўшаётганликларини айтиб ўтиш ўринлидир. Шуни ҳам қўшимча қилиш лозимки, областимизда полиз маҳсулотлари тайёрлаш ва давлатга сотиш планлари йилдан йилга ортиғи билан бажариб келинмоқда. 1983 йил полизчиликда рекорд кўрсаткичлар йилига айлантирилади. Умумиттифоқ фондига камида 4000 тонна ширин-шакар Самарқанд қовун-тарвузи жўнатилади.

Самарқанд область партия комитети ва халқ депутатлари область Совети ижроия комитети полизчиликни янада ривожлантириш, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришга катта эътибор бермоқдалар. Полиз экинларини ихтисослаштириш ва марказлаштириш маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, агросаноат бирлашмаларининг диққат-эътиборида бўлаётир. Иштихонлик Т. Тожиев, пахтачилик Б. Жумаев, пайариқлик Э. Эрматов, М. Ҳошимов, каттақўрғонлик И. Халилов, жомбойлик М. Эргашев каби кўплаб миришкор деҳқонларимиз полизчилик касбини шарафлаб келмоқдалар. Улар ҳосилдорликни гектар боши ҳисобига 250—300 центнерга кўтариб, ўзига хос тажриба мактаби яратдилар.

«Ширинак» кўрик-конкурс қатнашчиларига билганларимизни ўргатдик. Билмаганларимизни улардан ўргандик. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини биргаликда маслаҳатлашиб олдик. Областимиз полизчилари эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун қўлларидан келган ҳамма ишларни қилавередилар.

**А. ЭРКАЕВ,**
**Самарқанд область қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, иқтисод фанлари кандидати.**

НОМЕРГА ТЕЛЕГРАММА

## Оширилган мажбурият бажарилди

**Мамлакатимиз Озиқ-овқат программасининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшаётган Иштихон райони дала меҳнатчилари улкан муваффақиятга эришдилар. Район боғбонлари қабул пунктига 2067 тонна узум топшириб, йиллик планни ошириб бажардилар. Полизчилар пландаги 1860 тонна ўрнига 1890 тонна ширин-шакар қовун-тарвуз етказиб беришга муваффақ бўлишди.**

**Соҳибкор ва сабзавоткорлар эришган ютуқ айниқса қувончлидир. Улар хўл мева ва сабзавот тайёрлаш бўйича оширилган социалистик мажбуриятларини бажардилар. Эл дастурхонига 4560 тонна сабзавот, 2654 тонна хўл мева тортиқ этилди.**

# ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

## МОСКВАДА СОФИЯ КУНЛАРИ

Москвада ўтказиладиган София кунлари совет ва болгар халқлари ўртасидаги қардошларча алоқаларни ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашда янги қадам бўлади. 19 сентябрь куни Давлат марказий концерт залида Москва меҳнаткашлари вакилларининг София делегацияси билан учрашуви ана шу дўстлик кунлари очилишига бағишланди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин нутқ сўзлади.

София делегациясининг бошлиғи, БКП Марказий Комитетининг секретари, БКП София шаҳар комитетининг биринчи секретари Ч. Александров София, бутун Болгария меҳнаткашлари БКП XII съезди ўртага қўйган тарихий вазифаларни қатъият билан амалга ошираётганликлари тўғрисида гапириб берди. У Болгария қўлга киритган муваффақиятлар Совет Иттифоқи, барча қардош социализм мамлакатлари билан ҳар томонлама ҳамкорлик билан узвий боғлангандир, деди.

Меҳмон Москвада ўтказилаётган София кунлари қардош пойтахтлар ўртасидаги, БХР билан СССР ўртасидаги ҳар томонлама дўстлик ва амалий алоқаларни янада мустаҳкамлайди, деб ишонч билдирди. (ТАСС).

## ТАСС баёноти

Ливандаги ва унинг теварагидаги вазият ҳамон кескинлашиб бормоқда. Қўшма Штатлар Исроил агрессорлари билан биргаликда Ливан халқига у рад этаётган асоратли битимни тиқиштиришга интилиб (бу битим Ливан давлатининг суверенитетини поймол этади) ҳарбий кучдан бевосита фойдаланиш йўлига ўтиб олди ва уни тобора кенг кўламда қўлланмоқда.

Ливанликларга қарши жанг ҳаракатларида Байрут районида жойлаштирилган Америка денгиз пиёда аскарлари бўлинмаларидан ташқари АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг Ливан соҳилларига жуда яқинлашиб келган кемаларидаги қирувчи-бомбардимончи самолётларидан ва катта калибрли артиллериясидан фойдаланилмоқда. АҚШ президенти у ерда ҳаракат қилаётган Америка қўшинларининг командирларига Ливанда ва унинг соҳилларида мавжуд бўлган Американинг барча ўт очиш воситаларини ўз билганларича ишга солиш тўғрисида буйруқ берди. Тазйиқ ўтказиш, дўқ-пўписа, зўравонлик қилиш йўли билан эришишга муваффақ бўлмаган нарсага эндиликда қурол ёрдамида эришишга уринмоқдалар. Ваҳолонки, АҚШ президенти Ливанга денгиз пиёда аскарларини юбораётганида улар қуролли тўқнашувларга мутлақо жалб этилмайдилар деб жуда қатъий ишонтирган эди. Эндиликда бу ваъдалар аввал бошданоқ риёкорликдан иборат бўлганлиги ҳаммага равшандир, худди шунингдек гўё АҚШ Ливанда «барқарорлик ва осойишталик» ўрнатишга кўмаклашиш учун интилмоқда, деган баёнотлар ҳам риёкорликдир.

Ўтган йилнинг ёзида айни Вашингтоннинг йўл қўйиб бериши билан Исроил Ливанга бостириб кирган эди, ана шу бостириб киришни эндиликда Исроил раҳбарларининг ўзлари сурбетлик билан «танлаб қилинган уруш», бошқача сўзлар билан айтганда Тель-Авивнинг ўзбошимчалиги билан қилинган уруш деб атамоқдалар. АҚШ билан Исроил муштарак мақсадни: Ливанни умумараб сафларидан суриб чиқариш, Фаластин Қаршилик ҳаракатидан ўч олиш, жабр-зулм ва оммавий қирғинчилик билан бошқа араб халқларини чўчитиш мақсадини кўзладилар. Айни вақтда АҚШ Ливанда ва умуман Яқин Шарқда Американинг ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаб олмоқ учун ҳамма ишни қилди.

Бугунги кунда Вашингтон ўзининг гегемончилик муддаолари йўлида Ливаннинг ишларига бевосита қурол билан аралашмоқда. Айни вақтда Америка — Исроил зўравонлигига бўйсунишдан бош тортаётган Сурияни, араблар дунёсидаги бошқа кучларни чўчитишни истамоқдалар. АҚШнинг ҳаракатларидан рағбатланаётган Исроил агрессорлари тобора сурбетлашиб, Бекаа водийсида Сурия қўшинлари билан тўқнашув чиқаришга уринмоқдалар.

Ливан ичкарисида можарони қасддан авж олдираётган, Ливаннинг ва бошқа араб мамлакатларининг манфаатлари билан ҳисоблашмай ўз шартлари ва тартибларини тиқиштириш учун қурол кучидан совуққонлик билан фойдаланаётган эканлар, хўш, бунда Вашингтондагилар қандай ахлоқ-одобга амал қилмоқдалар? Улар ахлоқ-одоб мавзусида фикр юритишни жуда хуш кўрадилар.

Совет Иттифоқидагилар АҚШнинг Ливандаги ҳаракатларини қатъиян қоралайдилар. Америка маъмурияти ливанликларга қарши қилаётган жиноятлар учун ҳамда Яқин Шарқдаги вазиятга ва халқаро хавфсизликка шу нарса келтирадиган оқибатлар учун жавобгарликдан қочиб қутила олмайди.

### ВЕНА ЯРМАРКАСИ

**● ВЕНА. Бу ерда анъанавий кузги Вена ярмаркаси ёпилди. Пратер паркида ташкил қилинган ярмарка павильонларини 9 кун давомида австрияликлардан қарийб ярим миллион киши, шунингдек мамлакат савдо-саноат доираларининг намояндалари келиб кўрдилар. Ярмаркада 40 дан кўп мамлакатдан, шу жумладан Совет Иттифоқидан салкам 4 минг фирма ва корхона қатнашди. Анъанага кўра, бошқа социалистик мамлакатлар — Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Румыния, Чехословакия, Югославиядан ҳам кўплаб фирма ва корхоналар қатнашди. (ТАСС).**

## ҚАРДОШЛАР ДИЁРИДА

Яна икки кундан кейин серқуёш Ўзбекистонда Монголия Халқ Республикаси кунлари очилади. Қардошлар диёрида ўтадиган бу байрамга олий мартабали делегациядан ташқари артистлар, рассомлар, мухбирлар ва лекторлар ҳам ташриф буюришади.

Ўзбекистонлик меҳнаткашлар бу диёрда ўтадиган Монголия Халқ Республикаси кунларида монгол халқ куйлари ва замонавий оҳангларини тинглайдилар, Монголиянинг ўзига хос цирк санъати билан танишадилар. Тошкентда очиладиган бадиий асарлар кўргазмасида томошабинлар монгол халқи ҳаётининг бугунги куни билан яқинроқ танишиш имконига эга бўладилар.

Байрам кунларида иштирок этадиган Монголия делегацияси ва санъаткорлари Тошкентдан ташқари Самарқанд, Навоий, Бухоро ва Нукусда ҳам бўладилар. Бу шаҳарларда икки халқ вакилларининг учрашувлари, митинглари ўтказилади, меҳмонлар Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг тарихи, маданияти ва эришган ютуқлари билан танишадилар.

Бундай учрашувлар ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ишига хизмат қилади. Бу дўстликка В. И. Ленин ва Д. Сухэ-Батор асос солган эдилар. Қўшни мамлакатлар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилганига 62 йилдан зиёдроқ вақт ўтди. Унчалик катта бўлмаган ана шу давр ичида монгол халқи бир неча асрга тенг шонли йўлни босиб ўтди.

Совет Иттифоқининг қардошларча беғараз ёрдами туфайли Монголия Халқ Республикаси ўз тараққиётида ўрта аср қолоқлигидан замонавий тараққиётга сакраб ўтди. Чорвачилик билан шуғулланувчи Монголия эндиликда кўп тармоқли экономикага, гуллаб-яшнаётган маданиятга эга бўлган аграр-индустриал мамлакатга айланди. Бугунги кунда капитал маблағларнинг 70 проценти моддий бойликлар ишлаб чиқаришга сарфланмоқда. Сўнгги ўн йил ичида 150 дан зиёд йирик саноат объектлари қурилди. Дархан, Чойбалсан, Эрдэнэт, Боганур сингари йирик саноат марказлари қад кўтарди. Мавжуд барча завод ва фабрикалар реконструкция қилинди. Социалистик индустрлаштириш муттасил кенгайиб боряпти.

Монголия меҳнаткашлари совет халқидан, ҳукуматидан, КПСС ва унинг Марказий Комитетидан муттасил кўрсатиб келинаётган қардошларча ёрдам учун беҳад миннатдордирлар. Айни пайтда монгол халқи Совет Иттифоқининг, шу жумладан, Совет Ўзбекистонининг ютуқлари билан чексиз фахрланадилар.

Монголия кунларининг Ўзбекистонда ўтказилиши тасодифий ҳол эмас. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси монгол — совет дўстлиги ҳамда ҳамкорлиги равнақига катта ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистон пойтахтида юзлаб монголиялик йигит-қиз таълим олмоқда. Улар олий ўқув юртларини битиргандан сўнг она юртларида социализм қурилиши ишига хизмат қиладилар. Бугунги кунда Монголия Халқ Республикаси Ўзбекистондан техника, асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари, кўплаб кенг истеъмол моллари олмоқда.

Ҳозирги пайтда монгол халқи ўзбекистонлик дўстларининг хайрли ишларини дилга жо қилиб, барча куч-ғайратларини Монголия Халқ революцион партияси XVIII съездининг ва шундан кейинги Пленумларининг қарорларини амалга ошириш учун юксак сиёсий кўтаринкилик руҳида меҳнат қилмоқдалар. Шубҳа йўқки, Ўзбекистонда ўтадиган Монголия Халқ Республикаси кунлари қардош халқлар ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлайди ҳамда ўзаро фойдали ҳамкорликни янада кенгайтиради.

**Дамдингийн ОРСОО,**
**Монголия Халқ Республикасининг Тошкентдаги Бош консуллигининг вице-консули.**

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

**● ГАВАНА. Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, республика Давлат Кенгашининг ва Министрлар Советининг Раиси Ф. Кастро Вьетнам Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ВСР ташқи ишлар министри Нгуен Ко Тхатни қабул қилди. Куба — Вьетнам муносабатларига хос дўстлик ва қардошлик муҳитида ўтган учрашув чоғида томонлар халқаро вазият проблемалари юзасидан фикрлашиб олдилар, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалаларни муҳокама қилдилар.**

**Нгуен Ко Тхат Марказий Америка ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари бўйлаб қилган сафарини тамомлаганидан кейин ватанига жўнаб кетди.**

**● ВАШИНГТОН. Президент Р. Рейган испан тилида сўзлашувчи американликларнинг ва бошқа майда миллатларнинг турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида сайлов олдидан берган ваъдасини қўпол равишда бузди. АҚШнинг қонун чиқарувчи олий органида Нью-Йоркнинг Бронкс райони вакили бўлган демократ, конгресс аъзоси Р. Гарсиа Оқ уйнинг ҳозирги хўжайини шаънига ана шундай айбловчи гапларни айтди. Ана шу район аҳолисининг кўп қисми испан тилида сўзлашувчи американиклардан иборат бўлиб, конгресс аъзоси таъкидлаганидек, улар ғоят оғир шароитда яшамоқдалар. Рейган, деди Р. Гарсиа, миллий озчиликни ташкил этувчи аҳолига ёрдам бериш соҳасида амалда бирон бир иш қилмади. (ТАСС).**



## ЛИВАНДАГИ АҲВОЛ

БАЙРУТ. Америка ҳарбий денгиз кучларининг Ливан соҳили яқинига келтириб қўйилган артиллерияси кейинги бир кун ичида Байрут яқинидаги тоғли районларда жойлашган Кейфун, Айтат ва Алей аҳоли пунктларини икки марта тўпга тутди. «Жон Рожерс» эсминецидан ва «Боуэн» фрегатидан ўқ ёғдирилиши натижасида тинч аҳоли орасида бир неча киши ўлди ва жароҳатланди, кўпгина уй-жой бинолари вайрон бўлди, снарядларнинг портлашидан кучли ёнғинлар чиқди.

Бугун эрталаб Американинг пиёда аскарлари Байрутнинг жанубий чеккаларига, шу жумладан Хай ас-Соллум ва Шиях районларига яна ҳужум қилдилар. Айни вақтда Американинг разведка самолётлари учирилди, улар Ливаннинг турли районлари тепасида учиб юрди.

Маҳаллий сиёсий доираларда билдирилаётган фикрларга қараганда, Вашингтоннинг Ливанда кучайтириб юборган кенг миқёсдаги уруш ҳаракатлари Рейган маъмуриятининг Ливанни оккупация қилиб туришни мустаҳкамлашнинг, уни ўз измига бўйсундиришнинг янги босқичига киришганлигидан далолат беради.

Англия ҳукуматининг шарқий Ўрта денгизга жанговар кемалар тўдасини юбориш тўғрисидаги қарори ҳам мустақил Ливаннинг ички ишларига империалистларнинг аралашуви кучайиб бораётганидан дарак беради. Лондонда чиқадиган «Санди телеграф» газетасининг хабар қилишича, Британия авианосецларидан бири бевосита Ливан соҳилларига юборилиши мумкин.

Исроиллик оккупациячилар билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилаётган АҚШнинг айби билан мамлакатдаги вазият жуда чигаллашганлиги хусусида Ливаннинг миллий ватанпарвар кучлари қаттиқ безовта бўлганликларини билдирмоқдалар. Ливаннинг таниқли сиёсий арбоби, собиқ бош министр Р. Караме «Ал-мажалля» журналининг мухбири билан суҳбатда очиқдан-очиқ исроилпарастлик позициясида турган Америка маъмурияти Яқин Шарқда тинчликка эмас, балки бу ерда ўзининг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ҳукмронлигини ўрнатишга интилмоқда, деб таъкидлади. У Қўшма Штатларнинг Ливанга тиқиштирган ва Исроил билан тузилган битимдан воз кечиш кераклигини айтиб, тенг ҳуқуқли бўлмаган ва Ливаннинг суверенитетини камситадиган шу битимни бекор қилишгина мамлакатни озод қилиш, унинг бирлигини ва территориал бутунлигини қайта тиклаш йўлини очишини уқтириб ўтди.

(ТАСС).

**✦ Гондурас территориясидан Америка қурол-яроғлари билан таъминланган ва Пентагон инструкторлари томонидан ўргатилган сомосачи каллакесарлар Никарагуаға юборилмоқда. Сомосачи тўдалар билан бир қаторда агрессив ҳаракатларда Гондурас армияси ҳам бевосита иштирок этмоқда. «Тайм» журналидан олинган ушбу суратда американлик инструкторлар Гондурас солдатларини қуролдан ўқ отишга ўргатмоқдалар.**

**ТАСС фотохроникаси.**

